Ички аудит профессионал амалиётининг халқаро стандартларида ҳозирги кунда кенг миқёсда қабул қилинган мукаммал таърифи “Ички аудит мустақил, холис, кафолатли ва ташкилот фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида лойиҳалаштирилган маслаҳат фаолиятидир” деб баён қилинган. [13]

Қисқача келтирилган ушбу таърифдан кўриниб турибдики, ички аудитнинг деярли барча хусусиятларини ўзида қамраб олганлиги унинг мукаммаллигидан далолат беради. Энг эътиборли жиҳати, таъриф қисқача бўлишига қарамай, мазмунан кенг ёритилган ва барча асосий жиҳатларни ўзида жамлаган.

Шунингдек, ички аудит билан бир қаторда давлат молиявий назорати ҳам кенг ўрганилган ва иқтисодчи олимлар томонидан бир қанча тадқиқотлар ўтказилган. Шу жумладан, рус олими Ю.В. Прохоровнинг фикрича, "молиявий назорат – жамиятда самарали молиявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида давлат ва шаҳар пул маблағларини йиғиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳаракатларнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш" деб таърифланган [10].

Яна бир таниқли олим Т. П. Хребтованинг фикрларича, "давлат молиявий назорати (бюджет ҳуқуқий муносабатлари соҳасида) – ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан давлат ресурсларидан фойдаланишнинг қонунийлигини аниқлаш жараёни" ҳисобланади [12].

Давлат молиявий назорати юқоридаги таърифларга кўра ўзининг алоҳида хусусиятларини ички аудит хизматидан фарқли равишда номоён қилади. Бу икки назорат турини бир – бирини такрорловчи томонлари бўлиши билан бир қаторда, ўзига хос бўлган алоҳида жиҳатларини ҳам номоён этади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, давлат молиявий назорати бюджет ташкилотларида йўл қўйилган молиявий йўқотишларни аниқлаб, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг қонунийлигини текширса, бюджет ташкилотларининг ички аудит хизмати ташкилот фаолиятини назорат қилиш билан бир қаторда, унинг иш фаолиятини қонун доирасида олиб бориш, даромад ва харажатлар сметаларини тузиш, ташкилот фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида ўз маслаҳат ва тавсияларини бериш билан ҳам шуғулланади.

Шу сабабдан, ички аудитга таъриф бераётганимизда унинг профессионал хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз топдик. Чунки, бюджет ташкилотларининг назорати давлат молиявий назорат хизмати томонидан ҳам олиб борилади. Ички аудит хизматининг асосий жиҳати эса, давлат молиявий назоратидан фарқли равишда бюджет ташкилоти учун маслаҳатчи сифатида намоён бўлишидир.

**Методология.** Ички аудит ва молиявий назорат хизматлари бевосита вазирлик ва идоралар биринчи раҳбарларига бўйсунади ва ўз фаолиятини юқорида таъкидланган қарор, шунингдек, вазирлик ва идоралар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари ҳамда локал ҳужжатлар асосида олиб бормоқда.

Шу билан бирга, илғор халқаро тажрибада давлат молиявий назоратида асосий эътибор вазирлик ва идораларнинг ички назорат тизими ва тизим фаолияти самарадорлигини (шу жумладан, ички назоратни ҳам) баҳолашни амалга оширувчи ички аудитга қаратилиши инобатга олинади. Шу боис, бунда, Жаҳон банки кўмагидаги "Институционал салоҳиятни ошириш" лойиҳаси доирасида халқаро экспертларни жалб қилиш орқали Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идораларида ички назорат ва ички аудитни янада ривожлантириш лойиҳаси режалаштирилган [6].

Мамлакатимиз давлат молиявий назорати тизимини ислоҳ қилишнинг сабаблари сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

– аввало, бюджет ташкилотларида аниқланаётган молиявий хато ва камчиликлар ҳамда камомад ва ўзлаштиришлар миқдорининг ортиб бораётганлиги бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсири юзасидан хавотирга солаётганлиги;

– ривожланган давлатлар тажрибасида вазирлик ва идораларда ички назорат ва ички аудит тизимининг ривожланганлиги ҳамда аниқланган молиявий хато ва камчиликлар, камомад ва ўзлаштиришлар бўйича раҳбарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги белгиланганлиги;

– илғор халқаро тажрибада давлат молиявий назоратида биринчи галдаги вазифа сифатида сарфланаётган маблағлар самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга ўтилганлиги, молиявий хато ва камчиликлар, камомад ва ўзлаштиришларни аниқлаш функцияси кўп ҳолларда асосий эмаслигидир.

Давлат молиявий назорати тизим ташкилотлари фаолиятидаги такрорийлик, вазифа ва функцияларнинг аниқ чегараланмаганлиги, фақат, хатоликларни аниқлаш ва жазолашга қаратилган фаолияти мазкур органлар олдига қўйилган янги вазифаларни ҳал қилиш имконини бермаётганлигини айтиб ўтиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, бюджет тизими бюджетлари ижросини назорат қилиш тизимини илғор хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ ислоҳ қилишни талаб этади.

Бундан ташқари, молиявий-иқтисодий соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган аудиторлик фаолиятини йўлга қўйиш, соҳани рақамлаштириш бўйича қатор мақсадли вазифаларни амалга ошириш замон талабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Давлат молиявий назорати тизимини ислоҳ қилишдан мақсад, аввало, халқаро талабларга мос келадиган ва фаолиятида замонавий усуллардан кенг фойдаланган ҳолда молиявий хато ва камчиликларнинг олдини олиш ҳамда бюджет маблағларининг самарадорлигини баҳолашга қаратилган молиявий назорат тузилмасига эга бўлишдир.

Бунда, молиявий назорат тизимида инспекциявий ҳамда жазолашга қаратилган ва самарасиз текширишлар амалиётидан молиявий хато ва камчиликларни профилактика қилишга қаратилган ва чуқур рақамлашган, яъни инсон фактори максимал даражада чекланган ҳолдаги сунъий интеллект асосига қурилган хавфларни тезкор аниқлаш орқали уларни бартараф этишга йўналтирилган комплаенс назорат тизимига ўтиш асосий мақсад ҳисобланади.

Кўзланган мақсадлардан яна бири, молиявий назорат тизимида бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашни амалга оширишга йўналтирилган мустақил тузилмаларга эга бўлишдир.

Юқорида қайд этилганидек, давлат молиявий назорати тизимидаги ислоҳотларда асосий эътибор ажратилаётган маблағларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш ва молиявий хато ҳамда камчилик ҳолатларини аниқлаш ҳамда айбдорларни жазолашга эмас, балки хавф таҳлилини доимий ўтказиш орқали уларнинг олдини олиш, содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган молиявий назоратнинг мутлақо янги тизимини яратиш, коррупциявий омилларга йўл қўймаслик бўйича доимий профилактик чораларни қўллашга қаратилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси амалдаги тузилмаси, вазифа ва функцияларининг илғор халқаро тажриба асосида таҳлил қилинади. Бунда, хорижий тажриба асосида давлат молиявий назорати объектларида қонун бузилиш ҳолатларини камайтириш имконини берадиган хавфлар таҳлили ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда масофавий таҳлилий назоратга асосий эътибор қаратилади [5].

Давлат секторида ички аудит ва давлат молиявий назоратини самарали ташкил этиш уларнинг ҳар бири бўйича ўз вазифалари доирасида алоҳида услубиётни ишлаб чиқишга асосланади. Ички аудитни ўтказиш давлат секторида алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади ва ўз вазифа ҳамда функцияларига эга бўлади. Ўз навбатида, алоҳида назорат усулларига эга ҳисобланади. Бу назорат турлари бир – бирини такрорламагани учун уларни ўзаро ҳамкорликда ишлашлари мақсадга мувофиқ бўлади. Давлат секторида ҳам ички аудит, ҳам давлат молиявий назоратини ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиши назорат самарадорлигини бир неча баробарга оширади.

Фикримизча, ўзаро ҳамкорликда маълумотларни танлаб ахборот алмашиш натижасида:

кам самарали текширишларни қисқартиради;

бюджет ташкилотларини текшириш самарадорлигини оширади;

текширув жараёнида вақтни тежайди;

ўзаро умумий ахборот алмашиш ахборотларни ишончлилик даражасини оширади ва риск даражасини пасайтиришга эришилади

Ички аудиторларнинг иш натижалари ички назорат тизимини самарадорлигини баҳолаш ва мавжуд рискларни баҳолаш ҳамда бошқаришга ёрдам беради.

Шунингдек, бизнинг фикримизча, ички аудит хизмати ва давлат молиявий назорат органларининг ўзаро муносабати қуйидагилар орқали амалга оширилиши зарур (1-расм).



**1 – расм. Ички аудит хизмати ва давлат молиявий назорат органларининг ўзаро муносабатлари[1]**

Ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилади. Бизнингча, баҳолаш кўпинча ички аудит ҳисоботларида қўлланилади ва унинг мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- индивидуал аудит натижалари ҳақида ахборотни такомиллаштириш;
- мижоз бошқарув органига режалаштириш бўйича ва тузатиш ишларини устуворлиги бўйича ёрдам бериш;
- бир хил мижознинг кетма-кет текширувлари ўртасидаги натижалардаги ўзгаришларни баҳолаш;
- ташкилот ички бўлимларини орасидаги аудит натижаларини солиштиришга ёрдам бериш;
- ташкилот ичидаги турли ҳил аудитларни натижаларини жамлашга ёрдам бериш;
- йиллик аудитни  режалаштириш жараёнининг асосий элементи бўлган рискларни баҳолаш жараёнига ёрдам бериш.

Барча вазирлик ва идораларда кучли ва таъсирчан ички назорат тизими ҳамда уни доимий ва мустақил баҳолашни амалга оширувчи ички аудит хизматлари ташкил этилади.

Биринчидан, янги шаклдаги ички аудит тизими вазифа ва функцияларни аниқ ажратилиши орқали улар фаолияти ўзаро янада мувофиқлаштирилади ва ривожлантирилади.

Иккинчидан, бюджетдан ажратилаётган маблағлар самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш давлат секторидв ички аудитнинг биринчи галдаги вазифасига айланади.

Учинчидан, ички аудит ва давлат молиявий назорати тизимида замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда инсон фактори чекланган масофавий назорат шаклидаги комплаенс назорат шаклидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилади. Натижада, ички аудит хизмати ва давлат молиявий назорати янги тизими молиявий хато ва камчиликларнинг олдини олиш орқали уларни камайтириш имконини кескин оширади.

Тўртинчидан, вазирлик ва идораларда ички назорат ва мустақил молиявий назорат тузилмаси бўлган ички аудитни ривожлантирилиши орқали улар раҳбарларининг масъулияти ва жавобгарлиги янада ортишига эришилади.

Юртимизда ички аудит ва давлат молиявий назорати тизимини янада ривожлантириш бу борада халқаро тажрибани амалиётган татбиқ этиб, бюджет ташкилотларида аниқланаётган молиявий хато ва камчиликларнинг олдини олиш, камомад ва ўзлаштиришларга йўл қўймаслик орқали бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори самарадорликка эришишдир.

**Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси.** Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг IX бўлими “Бюджет тизими бюджетларининг ижросини назорат қилиш”да Давлат молиявий назорати, унинг принциплари, шакллари, турлари ва усуллари ҳамда давлат молиявий назорати органлари шунингдек, давлат молиявий назоратини ташкил

[1]Муаллиф томонидан тузилган.

этиш ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиши ҳолатлари тўлиқ ёритиб берилган [1].

Бюджет кодексида Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари, ғазначилик бўлинмалари, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назоратига оид вазифалари келтириб ўтилган.

Бугунги кундаги давлат секторида ташкил этилган ички аудитни амалиётдаги ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, ўз навбатида такомиллаштириш лозим деган хулосага келиш мумкин.

Давлат молиявий назорати инспекцияси штат бирликларини қисқартириш ҳисобига вазирлик ва идораларда ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилган.

Ўз навбатида, штат бирликларининг қисқартирилиши бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича олиб бориладиган назорат тадбирлари сифатига салбий таъсирини кўрсатган. Буни қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин.




**2- расм. Давлат молиявий назорати томонидан аниқланган молиявий хато ва камчиликлар[1]**

Таҳлиллар ва рақамлар назорат тадбирлари камайган бўлишига қарамасдан, ўртача битта назорат объектида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда пул маблағлари, моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришлар йилдан-йилга ортиб борганини кўрсатмоқда.

[1]www.mf.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади ҳамда ўзлаштиришлар миқдори ўртача битта ташкилотга 2015-йилга нисбатан 1,4 бабобарга ошган.

2018-йилда 2015-йилга нисбатан 2,6 баробарга ошган ва 2019-йилда 2015-йилга нисбатан 1,6 баробарга ортган.

Ушбу кўрсаткичларни соҳалар кесимида олиб қарасак. Жумладан, Халқ таълими ва мактабгача таълим вазирликлари тизимида 2017-йилда 1,4 баробарга, 2018-йилда 2015-йилган нисбатан 3 баробарга ва 2019-йилда 2015-йилга нисбатан 9 баробарга ошган.

Бу кўрсаткичлар бир ташкилот миқёсида олиб қаралганда юқоридаги кўрсаткичларга эга, умумий жиҳатдан олиб қараганда эса умумий аниқланган камомад миқдори камайганини кўришимиз мумкин. Бу жараённи давлат секторида ташкил этилган ички аудит хизматларини таэсири сифатида ифодалаш мумкин.

Бундай кўрсаткичлар Соғлиқни сақлаш, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари тизимида ҳам, ҳатто, ўзини ўзи бошқариш органларида ҳам учрайди.

Ҳисобот даврида вазирликлар ва идоралар бўйича қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар қуйидагиларни ташкил этган:




**3-расм. Хато ва камчиликлар аниқланиши вазирликлар кесимида(2022 йил)[1]**

Юқоридаги кўрсаткичлардан маълумки, давлат секторида хато ва камчиликлар, молиявий йўқотишларни самарали қисқартириш ички аудит ва ташқи аудитнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида амалга оширилади.

Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳамда ички аудит ва молиявий назорат хизматининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида ўзаро ахборот алмашишда иш натижалари акс этган катта ҳажмдаги ахборотларни маълум қисмини танлаб олишни йўлга қўйиш лозим. Бу маълумотларнинг энг асосийлари ҳисобланиб, назоратни амалга

[1] www.mf.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

оширишдан олдин режа тузиш ва дастлабки баҳони бериш учун етарли бўлиши керак. Биз уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш зарурлигини асослаб бердик [15].

**Ички назорат тизимининг баҳоланиши.** Ички назорат тизимини текшириш натижасида ташкилотнинг ички назорати ташкил қилиниши, ички назорат тақдим этган маълумотларни ишончлилиги юзасидан ўзаро фикр алмашилади, умумий хулосалар ишлаб чиқилади.

**Харажатлар сметаси бажарилиши юзасидан олиб борилган назорат.** Бюджет ташкилотларида бухгалтерияга оид операциялар харажатлар сметаси асосида олиб борилади. Смета ижросини назорати натижасида олинган маълумотлар ташкилот тўғрисидаги муҳим маълумотларни ташкил этади.

**Танлаб текшириш олиб борилганда танланган маълумотлар ва танланган давр оралиғига оид бўлган назорат натижаси тўғрисидаги маълумотлари.** Қайси давр оралиғида қандай маълумотлар танлангани текширилган маълумотларни муҳимлигини белгилаб беради. Кейинги танлаб текширишни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Текширув якунида тузилган далолатномалар.** Текширув якунида ва ўтган йилги текширув натижалари юзасидан тузилган далолатномаларни ўрганиш натижасида хато ва қонун бузилишлари содир бўладиган операцияни аниқлаш ва уни бартараф этишни чораларини кўриш учун асос бўлади. Бу эса, қайси хатони содир бўлиш эҳтимоли юқорилиги ва риск даражасини белгилаш учун зарур ҳисобланади.

Бу маълумотлардан фойдаланиш ички аудит хизмати ва давлат молиявий назорати учун ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришнинг энг самарли йўлларини белгилаб беради. Уларнинг ҳар бири танлаб текшириш асосида назорат ўтказганлиги сабабли умумий назорат далилларининг танланган қисми ҳақида маълумот олиши ва танланмаган қисми учун назорат ўтказиши мумкин. Бу рискларни мақбул даражада пасайтиришга имкон яратади.

Ички аудит ўтказиш услубиётини пухта ишлаб чиқилиши нафақат ички аудиторга, балки молиявий назорат ходимларига ҳам иш жараёнида катта ёрдам беради. Чунки, самарали ташкил қилинган ички аудит маълумотлари ишончли ҳисобланади. Давлат молиявий назоратида ички аудит маълумотларидан кенг фойдаланилади. Чунки ички аудитор ташкилотда доимий фаолият олиб бориб, иш фаолиятини қандай ташкил қилинганлиги, хато ва камчиликлар мавжуд бўлган бўлимларни иш жараёнини таҳлил ва назорат қилиб боради [11].

Шунингдек, Аудитнинг олий органлари халқаро ташкилоти (ИНТОСАИ) томонидан белгилаб берилган ҳамкорликнинг тўрт тамойили мавжуд бўлиб, улар: [14]

Мажбурият тамойили (ҳамкорликда қатъиятли бўлиш) – ички аудит, молиявий назорат ва ҳисоб палатаси ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамлиги уларнинг шу ҳамкорликка қанчалик қатъиятлилик билан ёндашишларига боғлиқ бўлади.

Гарчи бир - бирининг вазифалари такрорлаш ҳолатлари мавжуд бўлса ҳам, ҳар қайси тизим ўзининг роли, бўйсунувчи органи ва мажбуриятларига эгадир ва самарали ҳамкорлик шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда керакли даражада ён босишларсиз амалга ошмайди. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши давомида ўзаро келишув муносабатлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Келишувда белгиланган шартлар доирасида фаолият амалга оширилади ва ўзаро такрорлаш ҳолатларида ҳам ўз услубиёти юзасидан

ёндашувни амалга ошириш керак. Бу турдаги ҳамкорлик ҳар бир ҳамкорликни амалга ошираётган томонга ўз мажбуриятларини юклайди.

Ўзаро маслаҳатлар бериб бориш тамойили – уч орган бир - бирига бериб борадиган маслаҳатлар уларнинг иш фаолиятини енгиллаштириш ва самарали ҳамкорлик учун асос яратади шунингдек, келишмовчилик келиб чиққан ҳолларда саволлар ва муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Ўзаро маслаҳатлар бериб бориш ҳамкорликда фаолият олиб бораётган назорат органларининг фаолияти давомида юзага келган мунозарали жиҳатларни кўриб чиқишда фойдаланилади. Яъни, мураккаб вазиятлар юзага келганда, манфаатлар тўқнашуви келиб чиққанда, бир-бирига зид бўлган мониторинг натижалари олинганда ёки жиддий вазиятни ечимида маслаҳат ва тавсиялар юзасидан ўзаро маслаҳатлар алмашиш иш фаолияти самарасини оширади.

Бундан ташқари, назорат обектлари фаолиятини яхшилаш борасидаги маслаҳатлар ҳам шулар жумласидандир. Бу асосан ички аудит хизматларини асосий вазифаларига кирсада, назорат органларининг умумий функсияларидан келиб чиқиб, тавсияларни муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳамкорлик тамойили (алоқаларни таʼминлаш) – мулоқот, икки томонлама жараён бўлиб, доимий очиқ мулоқотлар шу органлар ўртасида ҳамкорликни таʼминлаб туриш учун муҳим ҳисобланади.

Расмий мулоқотлар рискларни баҳолаш ёки режалар билан алмашиш учун музокара ёки мажлислар кўринишида ташкил этилиши мумкин. Норасмий учрашувлар эса, томонлар ролларини чуқурроқ тушуниб олиш учун ўтказилиши мумкин.

Энг мақбул кўринишда эса, томонлар ўзаро келишувларни ҳужжатлаштириб қўйишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишонч тамойили(ўзаро ишонч) – томонлар бир - бирларининг амалга оширган ишларига ишонишлари зарур.

Давлат молиявий назорати ёки ҳисоб палатаси ички аудитнинг хулосаларидан фойдаланаётганда шу хулосаларнинг ишончли эканлигига ва белгиланган тартибда бажарилганига ишонч ҳосил қилишлари лозим.

Аудитнинг юқори органлари халқаро ташкилоти (ИНТОСАИ) томонидан белгилаб берилган ҳамкорликнинг тамойиллари назорат органларининг фаолияти давомида юқори натижага эришиш учун хизмат қилади. Уларни ўз ўрнида қўллаш назорат органларининг иш фаолиятини яхшилашга, вақтдан унумли фойдаланишга ва ўзаро тажриба алмашишга олиб келади.

**Хулосалар.** Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда давлат секторида назоратни тўғри ташкил қилиш учун ички аудит тадбирлари ва давлат молиявий назорат текширувларини ўтказиш услубиётини ишлаб чиқиш зарур. Назорат қилиш услубиётини ишлаб чиқишда халқаро тажрибадан ва халқаро ички аудит стандартларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, давлат секторида ички аудит тадбирларини самарали ташкил қилиш ва ўтказиш учун ички аудитнинг халқаро стандартларига асосланган миллий стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш зарур. Халқаро ички

аудит стандартларини давлат секторида ички аудит қонун қоидаларига мослаштирган ҳолда шакллантиришни кўзда тутиш лозим.

Давлат секторида ички ва ташқи аудитни самарали ташкил этиш ва назоратни халқаро талабларга асосан ташкил этиш учун биринчи навбатда малакали мутахассисларга эхтиёж сезилади. Иш сифатини назорат қилиш учун давлат секторида ички аудиторлар ва молиявий назоратчиларнинг малакасини мунтазам ошириб блориш ва сертификатли кадрлар орқали иш фаолиятини ташкиллаштириш лозим.

Давлат секторида ички аудит ва давлат молиявий назорати иш фаолиятини самарали ва сифатли ташкил қилиш учун назоратчиларни ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир назоратнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилади ва уларни фаолияти бир бирини такрорламаслиги ҳамда бир бирини тўлдирувчи текширувлар доирасида ташкил қилинишини амалга ошириш керак.

Давлат секторида ички аудит ва давлат молиявий назорати фаолиятларини ўзаро ҳамкорликда ташкил қилишдан асосий мақсад самарасиз назоратларни қисқартириш, вақтдан унумли фойдаланиб назорат қилишни оптимал йўлларини белгилаш, такрор ва самарасиз назоратларни олдини олиш ва қайта-қайта текшириш ҳамда тадбирлар натижасида бюджет ташкилотлари фаолиятига ноқулайлик туғдирмаслик ҳисобланади.

## Adabiyotlar/Литература/References


1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5147-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республики Президентининг 2021 йил 27 августда ПФ-6300-сон “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги «Тиббиёт ва таълим муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ПҚ-3231-сон қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 416 – сонли Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” мавзусидаги маърузаси.
7. Андреев П.П., Внутренний контроль и аудит в секторе государственного управления и европейский опыт / П.П. Андреев. - Киев: Кафедра, с.120, 2011.
8. Даниленко Н.И. Статья: Методика проведения внешнего аудита бюджетного учреждения "Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях", №4, 2010.
9. А.Л.Колесник Организация и методика проведения внутреннего аудита распорядителями средств федерального бюджета/ Диссертация, Москва – 2017, стр 14.
10. Ю.В. Прохоров, «Финансовый контроль как форма государственной власти», Вестник Международного института экономики и права, 2013 г.
11. Khamidova, Z. (2018) "Organising internal audit of budget organisations and the ways of

improving its efficiency," International Finance and Accounting: Vol. 2018: Iss. 4, Article 49. Available at: https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/49
12. Т. П. Хребтова “Государственный финансовый контроль: сущность, содержание, вид”, Вестник Московского государственного лингвистического университета. Образование и педагогические науки, 2021 г.
13. “International Standards for the Professional Practice of Internal Auditing”, Institute of Internal Auditors, page1, 2004.
14. Ли А.Н. Управление государственными финансами Республика Узбекистан (учебное пособия) / Банковско-Финансовая Академия Республика Узбекистан. Ташкент-2016;
15. Хамидова З.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини самарали ташкил қилиш масалалари. Монография. – Т.:”VNESHINVESTPROM”, 2021. – 182б.
16. https://www.intosai.org/ru/novosti-1/novosti/podrobno/2023-10-no2-letter-int-chair
17. www.mf.uz
18. www.gov.uz
19. www.lex.uz

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3I12.1Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 12/1 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари"** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).